



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

THE ROLE OF ETHICAL EDUCATION IN INCREASING THE EFFICIENCY OF EDUCATION

Mukhiddinjon Teshaboev

PhD, Senior Lecturer

Fergana branch of Tashkent University of Information Technologies

Fergana, Uzbekistan

Utkirbek Karimov

Student

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: ethics, moral education, education, globalization, moral culture, spiritual life, social networks, information culture.

Received: 02.05.22

Accepted: 04.05.22

Published: 06.05.22

Abstract: As the intellectual potential of mankind grows, so do its needs. He strives to live better today, to achieve material and spiritual perfection, and to live happily tomorrow than yesterday. In fact, this is the essence of human development, the law and philosophy of its existence. If not for this desire, people would be no different from other creatures.

This article discusses the role of moral education in improving the effectiveness of education, as well as various methods and means of solving the priority tasks of moral education.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Муҳиддинжон Тешабоев

PhD, катта ўқитувчи

*Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали
Фаргона, Ўзбекистон*

Ўткирбек Каримов

Талаба

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Самарқанд, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ахлок, ахлоқий тарбия, таълим, глобаллашув, ахлоқий маданият, маънавий ҳаёт, ижтимоий тармоқлар, ахборот маданияти.

Аннотация: Инсониятнинг ақлий салоҳияти ўсиб борган сари унинг эҳтиёжлари ҳам ошиб бормоқда. У бугун кечагига қараганда, эртага эса ундан-да кўпроқ яхши яшашга, моддий-маънавий баркамолликка эришишга ва фаровон ҳаёт кечиришга интилмоқда. Аслида, бу инсоният тараққиётининг мазмуни, унинг ҳаёт кечириш қонунияти ва фалсафаси ҳисобланади. Агар ана шу интилиш бўлмагандан фарқи ҳам қолмаган бўлур эди.

Ушбу мақолада таълим самарадорлигини оширишда ахлоқий тарбиянинг ўрни, шу билан биргаликда ахлоқий тарбия устуворлигини ҳал этишининг турли усул ва воситалари тадқик этилган.

РОЛЬ ЭТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ

Мухиддинжон Тешабоев

PhD, старший преподаватель

Ферганский филиал Таишентского университета информационных технологий

Фергана, Узбекистан

Уткирбек Каримов

Студент

Самаркандский институт экономики и сервиса

Самарканда, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: этика, нравственное воспитание, образование, глобализация, нравственная культура, духовная жизнь, социальные сети, информационная культура.

Аннотация: По мере роста интеллектуального потенциала человечества растут и его потребности. Он стремится сегодня жить лучше, достичь материального и духовного совершенства, а завтра жить благополучно, чем вчера. По сути, это сущность развития человека, закон и философия его существования. Если бы не это стремление, люди ничем не отличались бы от других существ.

В данной статье рассматривается роль нравственного воспитания в повышении эффективности воспитания, а также различные методы и средства решения приоритетных задач нравственного воспитания.

КИРИШ

Бугун глобаллашув ўз таъсирини ўтказмаган биронта соҳа қолмади, десак тўғри бўлади. Дастреб у мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида акс этган бўлса, ҳозирга келиб сиёsat, ахлоқ, миллий-маънавий ҳаёт, инсонларнинг кундалик турмуш кечиришигача бўлган барча жараёнларни ўзига қамраб олади. Шу ўринда унинг мамлакатлар ва халқлар турмуш тарзининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлганлигини ҳам эътироф этиш ўринлиdir.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият курилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётiga шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг күламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хulosалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ахлоқ, ахлоқий тарбия – ғоят қадимий тушунча. У миллий маданиятни шакллантирувчи асосий омиллардан бири. Ҳар бир ҳалқнинг асрлар синовидан ўтган ўз ахлоқий мезонлари, ахлоқ меъёрлари бор. Миллий маънавиятда ахлоқ мумтоз ўрин эгаллайди. Айни чоғда, ахлоқда миллийлик ва умуминсонийлик ўзаро туташиб, бир бутунликни ҳосил қиласди.

Ҳар бир жамият учун таълим билан бирга бу соҳадаги ахлоқий тарбия муаммолари муҳим стратегик аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади. Шу маънода, мазкур мақолада таълим тизимида ахлоқий тарбия устуворлиги масаласи кўтарилиган бўлиб, уни ҳал этишнинг турли усул ва воситалари тақдим қилинган. Глобаллашув шароитида таълимда ахлоқий тарбия муаммолари ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу масалани етарлича илмий асосда ўрганишни тақозо этади. Бунга глобал ахборот оқими жадаллашган бугунги кунимиздаги технократиянинг меъёридан ошганлиги, ахлоқий маданият заифлашиб ахлоқий фазилатларнинг қадрсизланиши, баъзи ҳоларда мазкур фазилатлар ўрнини иллатлар, ёвузыллар, тажовузлар эгаллаётганлигини сабаб сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу эса албатта муаммонинг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки унинг ечимларини излашнинг илмий механизмларини яратишни кун тартибига қўймоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукаммал бўлса, ҳалқ шунча баҳтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”[1]. Ҳозирга қадар мазкур муаммо турли даражада ўрганилган бўлиб, шарқ мутафаккирлари ва ғарб файласуфлари томонидан чуқур тадқиқ этилган. Бунга шарқда Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Юсуф Ҳос Хожиб, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Фитрат, Абдулла Авлоний каби бир қанча мутафаккирларни киритишимиз мумкин. Ғарбда эса Сукрот, Афлотун, Арасту, Кант, Хегел, Ницше, Генри Девид Торо каби

файласуфларни айтиб ўтишимиз мумкин. Бугунга келиб эса бу масалалар доирасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда олим ва файласуфлар, МДХ давлатлари олим ва тадқиқотчилари ва Европа ҳамда океанорти мамлакатларидағи нуфузли тадқиқот институтларидағи олимлар таълим соҳасида ахлоқий тарбия муаммоларини ўрганиш борасида чуқур илмий изланишлар олиб бораётганлиги бу масаланинг нақадар долзарб аҳамиятга эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки, таълимда ахлоқий тарбия муаммолари фақатгина фалсафа ёки ахлоқшунослик доираси билан чекланган муаммо сифатида қаралмаяпти, балки ҳозирги вақтда катта эътибор қозонган кўплаб ижтимоий-гуманитар ва аниқ, табиий фанлар доирасида ҳам ўрганилмоқда. Бунга кўплаб фанларнинг синтези бўлган синергетикани мисол келтиришимиз ҳам мумкин. Умуман олганда, барча фанлар билан бирга турли миллатларнинг олим ва файласуфларининг асосий мақсади инсоний жамиятнинг маънавий мусаффолигини таъминлаш, жамият тараққиёти масалалари билан шуғулланишдан иборат. Бу эса таълим билан ахлоқий тарбияни ҳамоҳанг олиб бориш инсониятни таназзулдан қутқаришнинг ягона йўли эканлигини кўрсатади.

Ахлоқий тарбия вазифаларига қўйидагилар киради:

1. Хулқ маданиятини ва ижобий сифатларни тарбиялаш.
3. Ш ахсада ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш.
4. Хулқдаги салбий томонларни барҳам топтириш.

Бу тарздаги умумий вазифалар ёш гурухлари бўйича аниқлаштирилади ва ўқув-тарбия жараёнининг мазмунида ўз аксини топади. Ахлоқий тарбиянинг асосий тамойиллари қўйидагилар:

- ғоявий ва тарбиявий ишнинг маълум мақсадга қаратилганлиги;
- таълим-тарбия ишига бола шахсини ҳурмат қилган қолда ёндашиш;
- ахлоқий тарбия ишини ҳаёт ва замон билан ҳамнафасликда олиб бориш;
- болаларнинг фаоллиги;
- жамоада тарбиялаш;
- тарбиявий ишнинг тизимлари ва изчиллиги;
- шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутиш.

Ҳар бир миллатда, мамлакатда давом этаётган тарбиявий жараён умуминсоний тарбия тизимининг қисмидир. Демак, ҳар бир давлатда олиб борилаётган сиёсат каби, тарбия сиёсати ҳам умумбашарий эҳтиёжлардан келиб чиқиб мувофиқлаштирилмоғи керак[2]. Таълим соҳасида ахлоқий тарбияни биргаликда олиб бориш масалалари ўзбек

маърифатпарвари Абдулла Авлоний айтганидай ахлоқий тарбия ё ҳаёт ё мамот масаласи бўлиб қолмоқда[3]. Дунё олимлари таълим билан бирга ахлоқий тарбияни биргаликда олиб бормаслик жамиятда ахлоқий таназзулни юзага келтиришини таъкидламоқдалар. Бундай ҳалокатли ҳодисаларни олдини олиш учун дунё миқёсидағи барча ёшдаги авлодларнинг таълим тарбиясида этика фанига биринчи даражали эътибор зарурлигини уқтируммоқдалар. Россиялик олим В.Н.Кодин “Хозирги замонда этика таълим тарбиянинг асоси ” номли мақоласида бу ҳақда ёзади: “Таълим соҳасида ҳозир давом этаётган илмий мунозараларда, мактабларда ва олий ўкув юртларида қайси фанларни ўқитиш зарурлиги ҳақида тарих ва адабиёт фанларини ҳажмини ошириш тўғрисида фикрлашувларда ва келгуси авлод учун энг муҳим фанлардан этиканинг барча фанларни ўқитишда универсал биринчи даражали аҳамияти борлиги барча ёшдаги ва барча касбдаги инсонлар муомала маданиятини асоси – ахлоқ-одоб оқсаб қолганлиги сабабли фожеалар келиб чиқаётганлиги афсуски етарли даражада муҳокама қилинмаётир”[4]. Унинг ёзишича немис олими В.А.Канке бу масалаларга катта эътибор билан қараган. В.А.Канке фикрича, XX асрнинг 70-йилларида жаҳон миқёсида ахлоқшунослик соҳасида олмон кантечилиги, инглиз утилитаризми ва америкача прагматизмнинг бирлашуви синтези вужудга келди. Эндиликда бу метафизика таркибидаги назарий фанлардан бири бўлиб қолмай, балки ҳақиқий ривожланишга ҳизмат қилувчи ҳаракатлар дастурига айланди ва этика муаммолари жамият ҳаётининг долзарб муаммосига айланди[5].

Хозирги замон фанининг бош масаласи инсоният ўзининг тараққиётини teng йўл билан таъминлашга қодирми? деган масала асосан этика масаласи бўлиб барча бошқа фанлар ҳам шу этикавий масалага жавоб излайди. Д.Э.Мурнинг фикрича, баязи фанларнинг назариядан амалиётга ўтиш жараёнида этикага эҳтиёж сезилади. Барча соҳаларнинг олимлари ўз илмий ихтиrolарини амалда қўллашга келганида этика муаммоларига дуч келадилар, ихтиrolарнинг амалиётга кўчиши қандай оқибатларга олиб келиши этика ва маънавият масалалари билан боғлиқдир. Ихтиро эгасининг инсоният олдидаги масъулиятини тўла англаши этика муаммосидир[6]. XIX аср ғарб адибларидан Жюль Верн “Остин-устин ” романида, Герберт Уэллс “Кўринмас одам”, “Доктор Моро ороли” романида, Александр Беляев “Жаҳонгир” ва “Амфибия одам” романларида олимларнинг ихтиrolолари инсониятга даҳшатли оғатлар келтиришини бадиий тасвир орқали очиб бердилар. Бундан хулоса чиқадики, турли фанларнинг истеъдодли вакиллари ўз ихтиrolарининг оқибатда инсониятга заар, оғат келтиришини англаши учун етарли

даражада ахлоқий маданиятга эга бўлишлари зарур. Ана шундагина улар инсоният олдида, ўз виждони олдида масъулиятли эканини тушуна бошлайдилар.

Инсон бугунми, эртами ўзининг ўлишини, бошқача айтганимизда, ўлим муқаррарлигини тушуниб етгани учун ҳам унинг олдини олиш, ўз ҳаётини мазмунлироқ қилишга интилади... Кимки мақсадсиз, орзусиз, умидсиз яшаса, унда ахлоқ ҳам, одоб ҳам бўлмайди. Ахлоқсиз, одобсиз, умидсиз инсоннинг эса ҳамиша тухмат-бўхтонга майли кўп, адолатсизлик, ҳатто ёвузликка интилиши катта бўлади[7].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, барча мактаблар, олий ўкув юртлари учун ёзилган дарслик ва ўкув қўлланмаларинг охирги бобларида бу ўкув курси берган билимлар қайта тадбиқ қилинганда ахлоқ маънавият талабларига мувофиқ келиши ёки келмаслиги хақида маълумотлар берилиши зарур[8]. Чунки ёш авлодга таълим беришдан асосий мақсад турли соҳаларда ўз фанини яхши билган мутахассислар тайёрлаш билан бир вақтда юксак маънавиятли, баркамол, соф виждонли, чин инсонларни вояга етказишидир. Бизнинг назаримизда барча таълим дастурларига этика ва таълим мавзуси киритилиши мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Бу эса ўзаро боғлиқ уч вазифани: 1. Барчага этикавий маърифат бериш; 2. Қатъий ахлоқий тарбия; 3. Барча ёшдаги ва ижтимоий тоифадаги фуқароларнинг ахлоқий саломатлигини таъминлашга хизмат қиласи. Шу муҳим вазифаларни бажариш учун зарур тадбирлар йўл харитаси ишлаб чиқилса, фуқаролар онгига инсон қадр қиммати, ор-номуси, умуминсоний ахлоқ-одоб қоидаларини сингдиришда зарур қўлланма вазифасини бажаради. Ёшларга одоб ўргатишни жуда эрта, яъни боғчалардан бошлаш ва бу тарбияни умр бўйи давом эттириш керак. Бизнинг фикримизча, таклиф этаётган тадбирлар йўл харитасига кўра, ахлоқ-одоб қоидаларини автобусларда, жамоат жойларида чекиши таъкиқлангани каби уларни ҳам қонунийлаштириб қўйиш керак. Россиялик олим В.Н.Кодиннинг таъкидлашича, боғчаларда юқори гуруҳ болаларига дарс ўтиш ўрнига ахлоқ-одобга доир қизиқарли ўйинлар ташкил этиш, боғча ёшиданоқ ўғил болаларга қиз болаларни хурматлашни, ўзидан катталарга жой беришни, уларни хеч қачон хафа қилмасликни, уларга қўлдан келганча ёрдам беришни, қиз болалар ҳам ўғил болаларни хурмат қилиб миннатдорлик билдириш каби хулқ-одоб қоидаларини ўргатиш зарур[9]. Шу маънода, биз ҳам болаларга боғчада, мактабда, олий ўкув юртида таълим бериш вақтида ҳар бир мавзу ўтилаётганида тарбия ҳам бериш, хулқ-одобни, муомала маданиятини ўргатиб бориш зарур. Умумтаълим мактабларида биринчи синфдан юқори синфларгача ҳафтасига бир соат муомала маданияти, этика дарсларини киритиш, бу

соҳада дарс берувчи педагогларни кўпайтириш жамиятни ахлоқий маданиятинини соғломлаштириш учун ҳам ёрдам беради.

Ўрта ва умумий таълимдан фарқли равишда олий ўқув юртларининг таълим стандартларига фалсафа фани бўлимларидан бири сифатида касб хунар этикасини ўқитиши киритиш зарур. Бунда мутахассисларга ўз хизмат вазифаларини ҳалол бажаришни, медицина, педагоглик, тадбиркорлик, жамоага раҳбарлик этикаларини, хусусан шу соҳаларга доир муомала маданиятини ўргатиш зарур. Шу билан бирга ёшларни болаликдан оиласда ота-она тарбиясини олиши жуда муҳимdir. Лекин ота-она фарзандига рисоладагидек тарбия беролмаса ва бу тарбиядаги хато болаларни бир умрга баҳтсиз қилиши мумкин. Ота-она фарзандига болалик чоғларидан яхшилик, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик йўлини танлашига ёрдам бериши зарур. Афсуски ҳозирги вақтда кўпчилик ота-оналар шу жойда катта хатога йўл кўйиб, мол-дунё, мансабларга интилиб уйда болалари тарбиясига вақти етмай қолмоқда. Ота-она меҳридан насибасиз қолган болалар эса кўпинча одобсиз ва баҳтсиз бўлиб мустаққил яшашга қобилиятсиз бўлиб ўсмоқда. Ҳозирги вақтда кўп оиласарда ота-оналарнинг жанжаллари сабабли болалар жабр кўрмоқда. Шундай бўлмаслиги учун ота она фарзандининг келажакда баҳтли бўлиши хақида ғамхўрлик қилиши, бунга жиддий этъибор билан қараш керак.

Ҳозирги даврни қадимги маданият, уйғониш даври, гуманизм ва рационализм даврларининг давоми бўлган ахлоқий камолот ёки морализм даври дейишимиз мумкин. Бу гоя В.Вернадскийнинг ноосфера таълимотига хам муюғиқ келади. Бу таълимотга кўра, ноосфера мусаффолигини сақлаш учун табиатни асрашга қаратилган технологиялар ишлаб чиқиши табиий бойликлардан рационал, оқилона фойдаланиш, одамларни юксак манавиятли, ахлоқий баркамол қилиб тарбиялаш асосида цивилизацияни эволюцион йўл билан тараққий эттириш зарур. Этика ва маънавият ҳақидаги фан яъни ахлоқ фалсафаси жамият инқирозига учраганида мураккаб оғир вазиятлардан қутилиш учун оқилона йўл-йўриклар кўрсатади. Бу фан инсонлардан соғдил, яхши хулқли бўлишини ўз меҳнатига, вазифасига маъсулият билан қарашни талаб қилади. Ахлоқсизлик муқаррар равишида инсонларни ва жамиятни маънавий инқирозга учратади, ахлоқий таълим тарбия бўлмаса маънавий ва инсоний фазилатларга эришиб бўлмайди. Таълим тизимида тарбияга эътибор бўлгандагина етук инсонлар етишиб чиқади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг барча даражадаги босқичлари ҳамкорликда умуминсоний этика фани бўйича тўла қонли ўқув дастурларини ва дарсликларини ишлаб

чиқишилари эҳтиёжи туғилмоқда. Бу дастурлар ва дарслікларда тарбия ахлоқ мавзусида компьютер ўйинларидан яхши хулқ ва ёмон хулқни билдирувчи мисол, масалалардан мақол ва топишмоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг ташкилотларида ҳам турли қизиқарли тадбирлар ўтказишида одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатувчи машқлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. 504-505 б.
2. М.Қуронов. Миллий тарбия. Тошкент, 2007, 13-б.
3. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2006. 304 б.
4. Кодин.В.Н. Современная этика как ядро образования // Дидактика:ответ на вызовы педагогической практики. 2014. 474 стр.
5. Канке В.А. Этика ответственности: теория морали будущего / Виктор Андреевич Канке. - М. : Логос, 2003. - 351 с.
6. Мур Д.Э. Природа моральной философии : монография / Джордж Эдвард Мур; Пер. с англ., сост. и примеч. Л.В. Коноваловой; Предисл.: А.Ф. Грязнова и Л.В. Коноваловой. - М. : Республика, 1999. - 351 стр.
7. А.Чориев. Инсон фалсафаси. Тошкент, 2007, 391-б.
8. Этика: Энциклопедический словарь / Под ред. Р. Г. Апресяна, А. А. Гусейнова. — Москва: Гардарики, 2001. 670 стр.
9. Кодин. В.Н. Современная этика как ядро образования // Дидактика:ответ на вызовы педагогической практики. 2014. 474 стр.
10. Karimov, U., & Abdurakhmon, A. (2017). INNOVATIVE INFORMATION TECHNOLOGY IN EDUCATION. *Форум молодых ученых*, (5), 9-12.
11. Тешабоев, М. (2016). МОРАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА ЛИЧНОСТИ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА. *Theoretical & Applied Science*, (6), 85-87.
12. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.
13. Каримов, У., Хакимова, Д., & Халилов, Л. (2018). ИНФОРМАЦИОННОЕ И КОММУНИКАЦИОННОЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЛИЯНИЕ НА ОБРАЗОВАНИЕ В ТЕХНИЧЕСКОМ ОБСЛУЖИВАНИЕ. *Мировая наука*, (10), 193-197.

14. Тешабаев, М. М. (2011). Формирование основ нравственной культуры личности в образовательном процессе и гуманистическое мировоззрение. *Credo new*, (1), 19-19.
15. Yuldashev, I. A. (2020). Pedagogical Bases Of Formation Of Social Activity In Pedagogical Sciences. *Теория и практика современной науки*, (5), 67-69.
16. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1368-1372).
17. Каримов, У. (2017). ИНФОКОМТЕХНОЛОГИИ (ИКТ) ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЧНОСТИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1160-1163).
18. Sodirzoda, M. M. (2021). Techniques of using folk proverbs in the cultivation of oral speech of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 481-484.
19. Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). ROLE OF ETHICAL CULTURE IN PREVENTING VIOLENCE AMONG SPUPILS. *Интернаука*, (11-2), 50-51.
20. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).
21. Каримов, Ў., & Каримова, Г. (2021). АХБОРОТ ОҚИМИ ВА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Scientific progress*, 2(3), 743-750.
22. Jabborova, M. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF SOCIETY. *Экономика и социум*, (6-1), 129-132.
23. Tojaliyev, A. A. (2019). The necessity of using innovations in new developing process higher education. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 132-136.
24. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.
25. Kipchakova, Y. X., & Kodirova, G. A. (2020). INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN MODERN EDUCATION. *Теория и практика современной науки*, (5), 29-31.
26. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.

27. Shavkatovna, S. R. N. (2021). METHODICAL SUPPORT OF DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Conferencea*, 74-76.
28. Tojaliev, A. A. (2021). Higher education system-a guarantee of sustainable development of society. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 1021-1025.
29. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.
30. Рафиковна, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).
31. Ganiyev, B. S. (2019). INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 122-129.
32. Каримова, Г., Акбарова, М., Ақрамжонов, Қ., & Йўлдашева, Г. (2021). ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Интернаука*, (10-3), 42-43.
33. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.
34. Ismoilovich, I. M. (2021, July). ISSUES OF TRANSFORMATION OF EDUCATIONAL EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 227-239).
35. Тешабаев, М. М. (2011). Формирование основ нравственной культуры личности в образовательном процессе и гуманистическое мировоззрение. *Credo new*, (1), 19-19.
36. Yuldashov, I., Parpiev, O., Makhmutaliev, A., Tukhtanazarov, I., & Umaralievich, K. U. (2021). Pedagogical bases of formation of physical culture and social culture in Youth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(11), 54-58.
37. Yuldashov, I., & Goynazarov, G. (2021). A need to improve the institutional system for increasing the social activity of young people at the stage of development. *Интернаука*, (12-3), 18-19.
38. Yuldashov, I., Umaralievich, K. U., Goynazarov, G., & Abdurakhmonov, S. (2021). Innovative development strategy in the field of sports and the basics of its organization. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 48-53.

39. Karimov A., Muxammadjonov X. INFORMATION TECHNOLOGIES: INFORMATION EDUCATION AND INFORMATICS //Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 40-43.
40. Karimov, U., Kaxarov, S., Yokubjonov, S., & Ziyodov, D. (2018). USING NEW INFORMATION TECHNOLOGIES IN DISTANCE LEARNING SYSTEM. In *НОВАЯ ПРОМЫШЛЕННАЯ РЕВОЛЮЦИЯ В ЗЕРКАЛЕ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ* (pp. 9-11).
41. Nurbek, A. (2021, December). THE COMBINATION OF SOCIAL RELATIONSHIPS AND PSYCHOLOGICAL HEALTH. In *Conference Zone* (pp. 268-270).
42. Abdurakhmonova, M. M., ugli Mirzayev, M. A., Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.
43. Teshaboev, M. M. (2019). TASKS OF ETHICAL CULTURE IN THE ETHICS OF ARISTOTLE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(5), 197-204.
44. Jumaniyazova, N. A. O., & Mavlonova, S. T. U. (2022). CHET TILINI O'RGATISHDA KOMMUNIKATIV PRINSIPLAR HAMDA YANGI PEDAGOGIK TEKNOLOGIYANING ROLI. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(2), 118-122.
45. Abdumalikov, A. A. (2017). FORMATION OF YOUTH INFORMATION CULTURE. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 11(55), 277-280.